Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 74 (4769).
1 АПРЕЛЬ 1982 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

△ Ле Зуан Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимига яна сайланганлиги муносабати билан ўртоқ Л. И. Брежневнинг унга йўллаган табриги эълон қилинган.

△ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе бошчилигидаги КПСС делегацияси Деҳлидан қайта туриб 31 март куни Тошкентда бироз тўхталиб ўтди. Делегация Ҳиндистон Коммунистик партиясининг XII съезди ишида қатнашган эди.

ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ КОЛЛЕКТИВЛАРДА

Барча резервлар— ишлаб чиқаришга

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг мажлислар зали ишчиларни меҳнатда юксак натижаларни қўлга киритишга чорловчи шиорлар ва плакатлар билан безалган. Кеча бу ерда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров коллективга тантанали вазиятда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини топширди. Тикувчилар бу юксак мукофотга ўтган йил давлат планлари ва социалистик мажбуриятларини муддатидан аввал, муваффақиятли бажарганликлари учун сазовор бўлдилар.

Беш йилликнинг биринчи йилида «Қизил тонг»да янги ишлаб чиқариш қувватлари ўзлаштирилди. Натижада маҳсулот ишлаб чиқаришни 6.640 минг сўмликка кўпайтириш имкони туғилди. Эркаклар, аёллар, болалар пальтоларидан 1.215 минг сўмлиги планга қўшимча реализация қилинди. Сифатнинг олий категориясида 43,6 миллион сўмликдан кўпроқ, «Н» (Янгилик) индекси билан 35,8 миллион сўмлик буюм тайёрланди.

«Еттилар ташаббуси» иштирокчилари бичувчи С. Эннанов, тикувчи-мотористка З. Лебедева ва уларнинг издошлари бир йилда икки йиллик топшириқни бажардилар.

Йиғилишда сўзлаган бирлашма бош директори О. Қодирова, 3-тикув цехи бошлиғи Л. Севальнева, комсомол-ёшлар бригадасининг тикувчи-мотористкаси Г. Иноятова ва бошқалар Леонид Ильич Брежневнинг Тошкентга келиши ва Ўзбекистон ССРга учинчи Ленин орденини топшириши корхона меҳнаткашларининг ғайрат-шижоатини ошириб юборганлиги, 1982 йилдаги социалистик мажбуриятларни бажариш учун қандай резервларни ишга туширажаклари ҳақида гапирдилар. Жумладан, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда планга қўшимча 1.100 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади, давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган буюмлар умумий маҳсулот ҳажмида 54 процентга етказилади.

5-техника билим юртининг ўқувчилари — корхонанинг бўлажак ишчи авлоди тикувчилар коллективини Қизил байроқ топширилганлиги билан табрикладилар.

ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР СОЮЗИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

ПАРТИЯ БИЛАН БИРГА ҚАДАМ ТАШЛА, КОМСОМОЛ!

Ўзбекистон ЛКСМининг XXII съезди 31 март куни Тошкентда ўз ишини давом эттирди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва Ўзбекистон ЛКСМ ревизия комиссиясининг ҳисобот докладлари юзасидан музокараларда Жиззах область комсомол комитетининг биринчи секретари Г. С. Субҳонова, Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари С. Т. Алиев, Гулистон шаҳридаги 5-мактабнинг катта пионер вожатийси С. Скибина, Қашқадарё область комсомол комитетининг биринчи секретари А. А. Аҳмедов, Бухоро область Ғиждувон районидаги «Гулистон» колхози комсомол-ёшлар чорвачилик бригадасининг бошлиғи Д. Ўринова, Хоразм область комсомол комитетининг биринчи секретари К. С. Иброҳимов, Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси П. Қ. Қаюмов, Бухоро область комсомол комитетининг биринчи секретари Х. Т. Бақоев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетининг раиси М. И. Иброҳимов қатнашдилар.

Съездда ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари А. В. Федулова нутқ сўзлади. У ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда эришган муваффақиятлари учун республика комсомоли вакилларига делегатларнинг қарсаклари остида ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини топширди.

Делегатлар Ўзбекистон Ленин комсомоли XXII съезди номли комсомолларнинг зарбдор қурилиш отрядини тантанали суратда кузатиб қўйдилар. Бу отряд Тошкент трактор заводини реконструкция қилиш ишида ва республика пойтахтидаги бошқа муҳим қурилишларда меҳнат қилади.

Съезд номига келган табрик телеграммалари ва меҳнат рапортлари ўқиб эшиттирилди.

Съезд Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан резолюция қабул қилди. Ўзбекистон ЛКСМ ревизия комиссиясининг ҳисоботи тасдиқланди.

Съезд республика комсомол ташкилотининг раҳбар органларини — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетини ва ревизия комиссиясини сайлади.

Съезд делегатлари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга зўр кўтаринкилик билан табрикнома қабул қилдилар.

* * *

31 март куни Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Б. А. Алламуродов Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари, А. П. Володарский иккинчи секретари, О. Д. Исмоилов, Б. Д. Дауланов, Ш. Н. Маҳмудова, Х. Х. Ҳамидов секретарлари қилиб сайландилар.

* * *

Ўзбекистон ЛКСМ ревизия комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. А. В. Шчербаков шу комиссия раиси қилиб сайланди.

(ЎзТАГ).

Партия раҳнамолигида — меҳнат ва жасоратга! — Барча комсомол авлодларининг бу шиори Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг XXII съездида ҳам қасамёд бўлиб янгради. Съезд делегатларининг нутқлари Ватанни янада равнақ топтириш, унинг қудратини ўстириш, партия улуғвор режаларини муваффақиятли амалга ошириш тўғрисидаги ғамхўрликни яққол ифода этди. Съезд қатнашчилари республика барча ёшларининг фикри-зикри ва ҳис-туйғуларини ифода этиб, жонажон Коммунистик партиянинг доно ички ва ташқи сиёсатини астойдил маъқуллладилар, СССРнинг шонли 60 йиллигини муносиб кутиб олишга шай эканликларини билдирдилар.

Тошкент область комсомол комитетининг биринчи секретари **М. М. Маҳмудов** қуйидагиларни маълум қилди: Областимизнинг 200 мингдан кўпроқ йигит ва қизлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада туриб, 1981 йил топшириқларини муддатидан илгари бажардилар, ёш гвардиячилардан 1,5 минг киши беш йиллик мобайнида ўн йиллик топшириқни адо этиш мажбуриятини қабул қилди.

Ҳисобот даврида комсомол-ёшлар коллективларининг сафлари мустаҳкамланди. Мингдан ортиқ шундай коллектив бригада пудратини қўлламоқда. Шунга қарамай ҳали резервлар оз эмас. Бир қанча тармоқларда меҳнатни ташкил этишнинг илғор формалари суст жорий этилмоқда. Комплекс ғоявий-сиёсий, меҳнат ва маънавий тарбия мактаблари сифатида ёшлар бригадаларининг ролини ошириш керак.

Самарқанд химия заводининг аппаратчиси **И. П. Крикунова** шу корхонадаги ёш ходимларнинг ишлари ва режалари тўғрисида сўзлаб берди.

Қорақалпоғистон область комсомол комитетининг биринчи секретари **П. М. Авезов** автоном республика комсомол ташкилотларининг кўп қиррали фаолияти тўғрисида гапирди. Комсомол комитетлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш вазифаларини ҳал эта бориб, ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий тадбирларнинг бутун бир комплексини ишга солмоқдалар.

Автоном республика ёшлари шоли ва маккажўхори дони етиштиришни кўпайтириш зарурлиги тўғрисида Леонид Ильич Брежнев Тошкентдаги тантаналарда берган кўрсатмасини жанговар ҳаракат программаси деб қабул қилдилар. Ҳозир автоном республикада 57 комсомол-ёшлар коллективи шоли етиштирмоқда. Бу йил мана шу коллективлар қаторига яна ўн иккита янги коллектив қўшилади.

Билимларни, маҳоратни доимо ошириш, деҳқонлар социалистик мусобақасининг пешқадамларига тенглашиш — ҳар бир ёш пахтакор амал қилиши лозим бўлган қоидалардир, деб таъкидлайди Ангор районидаги Куйбишев номли колхоз комсомол-ёшлар бригадасининг раҳбари, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати **Х. Бозоров**.

Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам мўл ҳосил олиш учун ҳар бир бригада барча имкониятларга эга, деб уқтиради нотиқ. Ерни севиш, ундан меҳрона фойдаланиш, техника билан, илм-фан билан дўстлашиш асосий вазифаларидир.

Кичик шаҳарларда ва район марказларида ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантириш каби муҳим проблемани ҳал этишда комсомолнинг роли ғоят каттадир, деб таъкидлайди Андижон область комсомол комитетининг биринчи секретари **И. Ш. Алимов**.

Кейинги икки йил мобайнида комсомолнинг актив иштироки билан Андижон областида 29 янги филиал ташкил этилди, беш йиллик охиригача эса уларнинг сонига яна 33 филиал ва цех қўшилади. Ёшлар Тошкент трактор, кабель, қуюв, заводларининг, локомотивлар ремонти заводининг филиалларини қуришда фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Ана шу филиалларнинг ишга туширилиши қўшимча равишда салкам 40 мингта иш жойини вужудга келтириш, ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулоти ҳажмини эса салкам 2 баравар ошириш имконини беради. Ёшлар ип-газлама комбинати қурилишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Комбинатнинг биринчи навбати муддатидан бир йил илгари фойдаланишга топширилди, унинг бешта йирик филиали эса планда кўзда тутилганига қараганда икки баравар тезроқ барпо этилди. Катта-катта чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикалари қурилмоқда.

Бизнинг бригадамиз Николай Злобин методи асосида меҳнат қилади. Бу — материалларни кўп миқдорда тежаб қолиш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш имконини беради, иш вақтини тежайди ва ёш ишчиларнинг пировард натижалардан манфаатдорлигини оширади, деди Пахтакор районидаги «Мирзачульсовхозстрой» трестига қарашли 13-механизациялаштирилган кўчма колонна комплекс ёшлар бригадасининг раҳбари **А. Саломов**. Аммо эришилган натижалар билан қаноатланиб қолиш мумкин эмас, ҳамиша олға интилиш керак. Бригаданинг ҳамма аъзолари «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилдилар. Биз меҳнат унумдорлигини оширишга, бинокорлик материалларини тежашга, меҳнатга коммунистик муносабатни тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Самарқанд область комсомол комитетининг биринчи секретари **А. Н. Носиров** чорвачиликни юксалтиришда комсомолнинг, барча ёшларнинг иштирокига таалуқли масалаларга тўхталди.

СССР космонавт-учувчиси **Ю. Н. Глазков** съезд делегатларини самимий табриклайди. У космонавтикани ривожлантиришда Советлар мамлакати эришган ютуқлар тўғрисида батафсил гапириб, бизнинг космонавтларимиз фанни ва халқ хўжалигини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётганликларини таъкидлади.

КПСС XXVI съезди қарорлари, партия ва ҳукумат қарорлари комсомол олдига ёшларни ғоявий-сиёсий ва маънавий жиҳатдан тарбиялаш соҳасида масъулиятли вазифаларни қўйди, дейди Наманган область комсомол комитетининг биринчи секретари **Д. Д. Дадажонова**.

Комсомол маккажўхорини оталиққа олган. Леонид Ильич Брежнев чорвачиликни ривожлантиришдаги муваффақиятни кўп жиҳатдан белгилаб берувчи шу қимматли экинни етиштиришни кўпайтириш зарурлиги тўғрисида Тошкентда берган кўрсатмалари айни комсомолларга қаратилгандир. Ульянов районидаги «III Интернационал» совхози комсомол-ёшлар маккажўхорикорлик бригадасининг раҳбари **Ғ. Турсунов** ана шулар ҳақида гапирди.

Фарғона область комсомол комитетининг биринчи секретари **И. Н. Фозилов** комсомол ташкилотларининг фаолиятини анализ қилиб, ишчанлик, ёшларнинг турли категориялари билан ишлай олиш маҳорати улардан кўпчилигининг услубига тобора кўпроқ хос бўлиб қолаётганлигини қайд этади.

«Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи-слесари **Ю. Коробов** бирлашманинг ёш ишчилари халқ хўжалигини ривожлантиришга, партия XXVI съездининг тарихий режаларини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшаётганликларини съездга маълум қилади. Бирлашма ишлаб чиқараётган кранлар мамлакатнинг кўпгина зарбдор комсомол объектлари — Байкал-Амур магистралида, Кама автомобиль заводи, Атоммашда, Череповецк ва Новолипецк металлургия комбинатларида қўлланилмоқда.

Иш самарадорлиги ва сифатини янада ошириш резервлари ҳали кўп. Ишлаб чиқаришнинг энг муҳим участкаларида комсомол ёшлар коллективларини тузиш, меҳнатни ва социалистик мусобақани ташкил этишни такомиллаштириш ана шундай резервларнинг биридир. Меҳнатни ташкил этиш бригада формасининг афзалликлари тўғрисида кўп гаплар айтилди.

Сирдарё область комсомол комитетининг биринчи секретари **П. Д. Дўстмаматов** қўрик Сирдарё области ёшларининг юксак сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини, улар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатномасига амалий иш билан жавоб қайтаришга азму қарор берганликларини кўрсатувчи ёрқин мисолларни келтиради.

Нотиқ кадрларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги ишнинг муҳимлигига съезд делегатларининг эътиборини жалб қилади ва шу муносабат билан ҳунар-техника билим юртларининг фаолиятини такомиллаштириш, улардаги комсомол ташкилотларини мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисида гапиради.

«Ёшлик» журналининг бош редактори **Э. В. Воҳидов** съезд делегатларига мурожаат қилади. Биз, ёзувчилар, деди у, БАМ, КаМАЗ ва Ноқоратупроқ зона қаҳрамонлари, Жиззах, Қарши чўлларини ўзлаштираётган жасур чўлқуварлар, номлари жарангдор Бўстон, Маржонбулоқ, Муборак шаҳарларининг бунёдкорлари олдида қарздормиз. Сизларда Корчагин, Мересьев, ёш гвардиячиларнинг сўнмас образлари яшамоқда. Ўз ижодида шундай қаҳрамонларнинг образини яратган ёзувчи бахтиёрдир. Комсомолларнинг кўпгина авлодлари ана шу қаҳрамонлар намунасида тарбияланмоқда.

Сурхондарё область комсомол комитетининг биринчи секретари **А. А. Аҳмедов** қуйидагиларни айтди: партиянинг озиқ-овқат программасини амалга оширишда қатнашиш КПСС XXVI съезди қарорларини турмушга татбиқ этиш борасида комсомол комитетлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилиш билан боғлиқ соҳаларда комсомоллар сони тез суръатлар билан кўпайиб бораётганлигида ушбу масалага эътибор кучайтирилаётганлиги ўз ифодасини топди. Ҳозир ана шу соҳаларда бир неча йил аввалгига қараганда анча кўп ВЛКСМ аъзолари меҳнат қилишмоқда.

В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг студенти, СССР спорт мастери **Лола Зоирова**га сўз берилади. Комсомоллар, деди у, ҳар бир ўқув юртида ижодкорлик, қизиқувчанлик, ўзаро ёрдам муҳити вужудга келтирилишига эришишлари лозим. Бундай муҳит қобилиятни жуда тўлиқ намоён этиб, ривожлантиришга ёрдам берган, изланишга, доимо олға ҳаракат қилишга ундаган бўлур эди.

Ўқишда ва меҳнатда спортсиз юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришишни тасаввур қилиб бўлмайди. Спортда чиниқиш — инсоннинг ниҳоят жисмоний иш билан бирга ақлий иш қобилиятининг, юксак ижодий активлиги ва узоқ умр кўришининг зарур шартидир. Мен спорт мастериман, бадиий гимнастика бўйича республика терма командасининг комсомол ташкилотчисиман. Шуни айтишни лозим деб ҳисоблайманки, бизнинг енгил атлетика манежлари, бассейнлар каби спорт иншоотларимиздан терма командалар ва машҳур спортчиларгина эмас ,шу билан бирга кўпчилик ёшлар ҳам бемалол баҳраманд бўлишлари керак.

Минглаб ёш ватанпарварлар КПСС XXVI съездининг қарорига биноан ўзлаштирилаётган Жиззах даштидаги ишларда актив қатнашмоқдалар. Жиззах область комсомол комитетининг биринчи секретари **Г. С. Субҳонова** уларнинг ишлари билан делегатларни таништиради.

Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари **С. Т. Алиев** бундай дейди: Ишчилар синфининг муносиб ўринбосарларини тайёрлаш ва тарбиялашда қатнашиш республика пойтахти комсомол ташкилоти фаолиятининг энг асосий соҳаларидан биридир. Биз бутун диққат-эътиборни мактабларнинг ўқувчиларига касб-кор ўргатиш ва уларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, ҳунар-техника билим юртларидаги комсомол ташкилотларининг ролини кучайтириш ишини яхшилашга, бевосита меҳнат коллективларида ёш ишчиларнинг касб-кор малакасини оширишга асосий эътиборни қаратяпмиз.

Комсомоллар Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби шаҳрига айлантириш учун курашда актив қатнашмоқдалар. Улар коммунистик шаҳарда яшовчи кишининг ахлоқий принциплари болалик чоғиданоқ турмуш нормаси бўлиб қолишига интилмоқдалар. Шаҳардаги ҳар бир корхона, муассаса, ташкилот, ўқув юрти «намунали» деган ном олиш учун курашмоқда.

Гулистондаги Ленин номли 5-ўрта мактабнинг бош пионер вожатийси **С. Скибина** сўз олади. Вожатий ўқувли ва билимдон бўлиши керак, дейди у, аммо пионерлар ўртасида юксак обрў қозониш айниқса муҳим. Назаримда болалар мени ҳурмат қилишади. Биз спорт майдончасида бирга ўйнаймиз, тимурчиларнинг рейдларига бирга борамиз, дружина ишларини, китобларни ва кинофильмларни баббаравар муҳокама қиламиз.

Пахта тозалаш заводининг комсомоллари бизга оталиқ қилмоқдалар. Аммо улардан ёрдам бўлмаяпти. Пионер ташкилотига раҳбарликни кучайтириш тўғрисидаги қарорларни ҳали ҳам яхши бажармаётган комсомол ташкилотларига нисбатан қаттиқроқ талабчанлик қилиш лозим, чунки ВЛКСМ уставининг бу талаби ҳамма учун мажбурийдир.

Шу кунларда Қашқадарё ёшлари республиканинг барча меҳнатчилари қатори Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатини қизиқиб, қизғин муҳокама қилмоқдалар, — дейди Қашқадарё область комсомол комитетининг биринчи секретари **А. А. Аҳмедов**. Бу Мурожаат шаҳар ва қишлоқдаги ҳар бир ёш меҳнатчининг қалбида зўр акс садо бермоқда, меҳнатда янги ютуқларга чорламоқда. Комсомол ташкилотларида, ёшларнинг коллективларида ҳар бир иш жойидаги меҳнат унумдорлигини ошириш учун фойдаланилмаётган резервлар зўр ғайрат билан қидириб топилмоқда.

Чорвачиликни ўртоқ Л. И. Брежнев қишлоқдаги зарбдор фронт деб атади. Бухоро область Ғиждувон районидаги «Гулистон» колхози комсомол-ёшлар чорвачилик бригадасининг раҳбари **Д. Ўринова** ўзи бошчилик қилаётган коллектив, хўжаликнинг барча комсомоллари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшишга интилаётганини съезд делегатларига гапириб берди.

Пахта доимо Ўзбекистоннинг шон-шуҳрати ва ифтихори бўлиб келди, келгусида ҳам шундай бўлиб қолади, деб таъкидлайди Хоразм область комсомол комитетининг биринчи секретари **К. С. Иброҳимов**. Ҳар бир чаноқдаги «оқ олтин»да пахтакор, ишчи ва олим қилган қаҳрамонона меҳнат мужассамлашган. Область йигит ва қизлари пахтачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Етиштирилган ҳосилнинг ҳар уч тоннасидан бир тоннаси, териб олинган «оқ олтин»нинг ҳар икки тоннасидан бир тоннаси комсомол-ёшлар бригадалари ва ёш механизаторлар ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси **П. Қ. Қаюмов**нинг уқтириб айтишича, халқ хўжалиги ривожининг ҳозирги босқичида малакали ишчи кадрлар тайёрлашнинг алоҳида аҳамияти бор. Деярли ҳар бир районда ҳунар-техника билим юрти борлиги ва республика халқ хўжалигининг тармоқлари учун малакали ишчилар тайёрлаш ташкил этилганлиги диққатга сазовордир. Ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишда республика комсомол ташкилоти ҳунар-техника таълими органларига фаол ёрдам бермоқда.

Ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларига таълим бериш, касб-кор ўргатиш ва уларни тарбиялаш савиясини оширишда, ёшларнинг турмушини, бўш вақти кўнгилли ўтишини ва дам олишини ташкил этишда камчилик ва нуқсонлар бор. Ҳунар-техника таълими ходимлари бу камчилик ва нуқсонларни тугатиш чораларини кўрмоқдалар.

Бухоро область комсомол ташкилоти Бухоро тўқимачилик комбинатининг ишлаб чиқариш қувватларидан тўла-тўкис фойдаланиш учун, унинг ҳамма ишлаб чиқариш участкаларини тезроқ ишга тушириш учун курашни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисобламоқда, дейди область комсомол комитетининг биринчи секретари **Х. Т. Бақоев**.

Комбинатнинг муваффақиятли ишлашини таъминлаш юзасидан комплекс тадбирлар ишлаб чиқилди. Зарбдор комсомол қурилиши, деб эълон қилинган шу корхонанинг иккинчи навбати диққат марказида турибди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Физкультура ва спортнинг оммавийлигини ошириш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш, бу муҳим ишда комсомолнинг иштироки масалалари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг раиси **М. И .Иброҳимов** нутқининг асосий мавзуи бўлди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари **А. В. Федулова**га сўз берилади. Деҳқончилик маданиятини ошириш, ҳамма қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва ялпи ҳосилни кўпайтириш учун курашда, жамоат чорвачилигини ривожлантиришда қатнашиш Ўзбекистон комсомолларининг зарбдор ишидир, деб таъкидлади у. «Оқ олтин» учун курашда минглаб комсомол-ёшлар коллективлари қатнашмоқдалар.

Республикада ВЛКСМ XIX съезди шарафига, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ёшларнинг мусобақаси кенг қулоч ёзганлиги қувончлидир. Шаҳар ва қишлоқлардаги миллиондан ортиқ йигит ва қиз «Ёшларнинг зарбдор меҳнати, билими, ташаббуси ва ижоди ўн биринчи беш йилликка!» ҳаракатига қўшилдилар.

Комсомол комитетлари, комсомол бюролари шу ватанпарварлик ташаббусларини ривожлантириб, ҳар бир ёш меҳнатчи ўзининг ҳам, бутун коллективнинг ҳам меҳнати натижалари учун масъулиятни чуқур англайдиган ва ҳис этадиган бўлишига эришишлари лозим.

Сиёсий жиҳатдан актив кишилар авлодини вояга етказиш, ҳар бир ёш совет кишисини коммунистик онгли, партия ишига содиқатли, интернационализмни ҳис этадиган, ватанга муҳаббатли инсон қилиб тарбиялаш комсомолнинг марказий вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Ёшларни Коммунистик руҳда тарбиялаш воситалари орасида ўртоқ Л. И. Брежневнинг асарлари энг муҳим ўрин олади. Бу асарларда ёш авлодни тарбиялаш программаси янада ривожлантирилган. Комсомоллар Л. И. Брежневнинг «Эсдаликлар» китобини зўр мароқ ва завқ-шавқ билан кутиб олдилар. «Инсон ҳозирги ютуқларни яхшироқ тушуниши ва қадрлаши учун, — деб таъкидлади Леонид Ильич, — ўтмишдаги ишларнинг ҳақиқий манзарасини кўриши лозим». Бинобарин, халқимизнинг қаҳрамонона ўтмишини тўла-тўкис гавдалантириб бериш, совет кишиларининг Улуғ Ватан уруши жанг майдонларидаги ва мамлакат ичкарисида қилинган меҳнатдаги мислсиз жасорати барча қатнашчилари ва шоҳидларининг эсдаликларини ёзиб олиш, уруш ветеранларига меҳрибонлик, эътибор, ғамхўрлик қилиш — бизнинг комсомоллик, фарзандлик бурчимиздир.

А. В. Федулова делегатларнинг қарсаклари остида ВЛКСМ Марказий Комитетининг ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги муваффақиятлар учун бериладиган кўчма Қизил байроғини Ўзбекистон комсомолига топширди.

Съезд делегатлари комсомолнинг кучи, унинг муваффақиятлари ва кенг ёшлар оммаси орасидаги обрў-эътибори манбаи — партия раҳбарлигида эканини таъкидладилар. Съезд республика комсомоли КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш учун сабот билан курашади, деб жонажон Коммунистик партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневга ваъда берди.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТЛИКЛАР БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

ЮТУҚЛАР ЧЕГАРА ЭМАС

Кеча В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош йиғув цехида коллективнинг 1982 йилги юксак қўшимча социалистик мажбуриятларини қабул қилиш учун ишлаб чиқариш илғорлари, партия, касаба союз ва комсомол, корхона барча бўлинмалари ва хизматларининг активистлари йиғилдилар.

Йиғилишда сўзга чиққан йиғув цехининг электриги Клара Мансурова шундай деди:

— Биз, бош йиғув конвейерининг ишчилари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг республикамизга учинчи Ленин орденини топшириш вақтида сўзлаган сафарбар этувчи нутқи ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республикамизнинг барча меҳнаткашларига Мурожаатига жавобан қўшимча социалистик мажбурият қабул қилишга қарор қилдик. Н. Кравцов, Т. Тарасова, А. Бобожонов, А. Назарова ва Т. Маклеева бошлиқ йиғувчилар бригадалари ва бошқалар бу йил битта серияли буюмни мажбуриятга қўшимча йиғиб топширишга аҳд қилдилар.

Дастлабки йиғув цехининг бошлиғи В. Кучеров, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, шасси цехининг слесари Н. Маннопов ва бошқалар ўз коллективлари номидан сўзга чиқиб, йиғув ишларининг аниқ маромда олиб борилишини таъминлаш учун бутун куч-ғайратимизни сарфлаймиз, деб ишонтирдилар.

Бирлашма бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Сивец, партия комитетининг секретари Ў. Султонов митинг қатнашчиларининг эътиборини ишлаб чиқаришнинг мавжуд фойдаланилмаётган резервларига, меҳнатни янада интенсивлаштириш масалаларига қаратдилар. Йиғилишда қабул қилинган бирлашма коллективининг социалистик мажбуриятларида шундай деб ёзилган:

«Илгари қабул қилинган мажбуриятга қўшимча ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича 1982 йил топшириғининг 13 процент, меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғининг 8 процент ошириб бажарилишини таъминлаймиз, яна бир серияли буюмни тайёрлаб топширамиз, пландан ташқари 150 минг сўмлик халқ истеъмоли товарларини реализация қиламиз».

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров иштирок этди.

ТРАКТОРСОЗЛАРНИНГ ЮКСАК МАРРАЛАРИ

Тошкент трактор заводининг трактор йиғув цехи ғоят гавжум. Корхона цехлари, хизматлари, бўлимлари вакиллари кеча бу ерга оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишга бағишланган митингга тўпландилар. Трактор заводи меҳнаткашлари Қизил байроқли корхона тарихидаги шонли воқеа — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг заводга келишини ана шундай нишонлашга аҳд қилдилар.

Минбарга СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори И. Мусин, трактор йиғув цехи бошлиғи А. Казаков, механика цехи комплекслашган бригадаси бошлиғи Н. Пьянков, автомат цехи комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи А. Маҳамадалиев ва бошқалар кўтарилдилар.

Ҳар бир нутқда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги саноатини ва Тошкент трактор заводини ривожлантиришга партия Марказий Комитети бераётган эътибор учун партия ва ҳукуматга, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневга чуқур миннатдорчилик ифодаланди.

— Леонид Ильич Брежневнинг заводимизни келиб кўриши натижасида биз тракторсозларда ва шахсан менинг ўзимда пайдо бўлган қувончни ифодалаш қийин, — дейди трактор йиғув цехи бошлиғи А. Казаков, — Л. И. Брежнев биз билан учрашувда машинасозлар ўн биринчи беш йиллик топшириғини муддатидан аввал адо этишларини истаётганлигини изҳор этди. Биз унинг бу сўзларини Коммунистик партиянинг жанговор топшириғидай қабул қилдик. Мана, эндиликда, аслида заводнинг ишлаб чиқариш программасини белгилайдиган йиғув цехи коллективи йиллик планни муддатидан илгари, 25 декабрда бажаришга аҳд қилди.

Тракторсозлар илгари қабул қилинган мажбуриятларга қўшимча пахтакор республикаларга яна 50 та трактор етказиб бериш, қўшимча 200 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар реализация қилиш, 1,5 миллион сўмлик планга қўшимча товар маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилдилар. Ёнилғи-энергетика ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланиш ҳисобига 1 миллион киловатт-соат электр қуввати, 200 тонна шартли ёнилғи тежалади.

Цехда гулдурос қарсаклар янграйди — юксак социалистик мажбуриятлар якдиллик билан қабул қилинади. Бу республиканинг Ленин ордени билан мукофотланишига, Л. И. Брежневнинг корхонага келишига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Советининг «оқ олтин» ўлкасининг барча меҳнаткашларига Мурожаатига амалий жавобидир.

Митингда Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин иштирок этди.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

99-сайлов округи. Маркази: Композиторлар уйи, Гоголь кўчаси, 69.

Чегараси: Марказ—1 квартали, 8, 9, 14, 17-уйлар. Марказ—1 Б квартали, 8-«б», 8-«в», 8-«г», 9-«б», 9-«в», 31-«б» уйлар, Гоголь кўчаси, 69.

100-сайлов округи. Маркази: Композиторлар уйи, Гоголь кўчаси, 69.

Чегараси: Марказ—1А квартали, 28, 31, 31-«а», 32, 32-«а», 33, 34, 40, 41, 43, 44-уйлар. 1 Май кўчаси, 46, 48-уйлар, К. Маркс кўчаси, 53-уй, Хоразм кўчаси, 41, 43-уйлар.

101-сайлов округи. Маркази: 50-мактаб, Хоразм кўчаси, 8.

Чегараси: Марказ—1 квартали, 4-уй, Марказ— 2 квартали 5, 6, 7, 8-уйлар, 1 Май кўчаси 26, 28, 30-«а» уйлар. Пушкин кўчаси, 9, 11, 13, 15, 26-уйлар. А. Толстой кўчаси, 6/8-уй, Хоразм кўчаси, 8, 11, 13, 15, 17, 19-уйлар, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси.

102-сайлов округи. Маркази: консерватория, Пушкин кўчаси 17.

Чегараси: Марказ—1 кварталидаги 5, 6, 7, 10, 11, 12, 15, 16, 18, 20-уйлар. Марказ—2даги 11, 12, 13, 15, 16, 17, 21-уйлар, Пушкин кўчасидаги 29-уй, Некрасов кўчаси бўйлаб Пушкин кўчасигача, Пушкин кўчаси бўйлаб Каблуков кўчасигача, Каблуков кўчаси бўйлаб К. Ниёзов кўчасидан ўтиб, Оржоникидзе кўчаси бўйлаб Урицкий кўчасигача, Урицкий кўчаси бўйлаб, В. Малясов кўчаси бўйлаб Фрунзе кўчасигача, Фрунзе кўчаси бўйлаб Некрасов кўчасигача.

103-сайлов округи. Маркази: 64-мактаб, Жуковский кўчаси, 35.

Чегараси: Марказ— 1 карталидаги 13, 19, 19-«а», 21, 23, 24, 25, 26-«а», 26-«б», 26-«в», 27-уйлар, Марказ—1А кварталидаги 30«а», 30-«б», 30-«в», 30-«г», 30-«д» уйлар, «Б» блоки, Пушкин кўчасидаги 38, 40, 42, 44-уйлар, Х. Олимжон кўчасидаги 7, 9, 11, 13, 17, 19-уйлар, Я. Колос кўчасидаги 10, 12, 14, 16, 20-уйлар, Свердлов кўчасидаги 18, 20, 22 уйлар, Маяковский кўчасидаги 2, 3, 4, 5, 7, 9-уйлар, 1-Жуковский тупиги.

104-сайлов округи. Маркази: Островский номидаги пионерлар уйи, Пушкин кўчаси, 69.

Чегараси: Каблуков кўчасидан К. Ниёзов кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Новомосковская кўчасигача, Новомосковская кўчаси бўйлаб Пушкин кўчасигача, Пушкин кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Каблуков кўчасигача, Каблуков кўчаси бўйлаб К. Ниёзов кўчасигача, Пишпек кўчаси, Пушкин кўчаси, 86-«а», 90, 106-уйлар.

105-сайлов округи. Маркази: «Средазнипроцветмет», Пушкин кўчаси, 59.

Чегараси: Пушкин кўчасидан Ульяновская кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Салор каналигача, Салор канали бўйлаб Пушкин кўчасигача, Пушкин кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Ульяновская кўчасигача, Пушкин кўчаси бўйлаб 86-«а», 90, 106-уйлар бундан мустасно.

106-сайлов округи. Маркази: «Средазнипроцветмет», Пушкин кўчаси, 59.

Чегараси: Пушкин кўчасидан Ульяновская кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Салор каналигача. Салор канали бўйлаб Я. Колос кўчасигача, Я. Колос кўчаси бўйлаб Пушкин кўчасигача, Пушкин кўчаси бўйлаб Ульяновская кўчасигача.

107-сайлов округи. Маркази: ТИИМСХ, Қориниёзов кўчаси, 39.

Чегараси: Каблуков кўчасидан Қориниёзов кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Оржоникидзе кўчасигача, Оржоникидзе кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Урицкий кўчасигача, Урицкий кўчаси бўйлаб Тургенов кўчасигача, Тургенов кўчаси бўйлаб (икки томон) Астрономическая кўчасигача, Астрономическая кўчаси бўйлаб (жуфт томон), Измайлов кўчасигача, Измайлов кўчаси бўйлаб (жуфт томон) 48-уйни қўшган ҳолда Новомосковская кўчасигача, Новомосковская кўчаси бўйлаб Қориниёзов кўчасигача, Қориниёзов кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Каблуков кўчасигача.

108-сайлов округи. Маркази: 142-мактаб, Номосковская кўчаси, 19.

Чегараси: Новомосковская кўчасидан Мусоргский кўчаси бўйлаб район чегарасигача, район чегараси бўйлаб Измайлов кўчасигача, Измайлов кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Новомосковская кўчасигача, Новомосковская кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Мусоргский кўчасигача, Новомосковская кўчасидаги 21, 21-«а», 23, 23-«а», 23-«б», 23-«в», 25-«а» уйлар.

109-сайлов округи. Маркази: 86-шаҳар ҳунар-техника билим юрти, Содиқов кўчаси, 6.

Чегараси: Новомосковская кўчасидан Содиқов кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Салор каналидан ўтиб Чинобод кўчасигача, Чинобод кўчаси бўйлаб нефть базаси чегарасигача, кейин Салор канали бўйлаб пастга Лесков кўчаси томон (бир томонлама кўча) Новомосковская кўчасигача (жуфт томон), Новомосковская кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Содиқов кўчасигача.

110-сайлов округи. Маркази: 99-мактаб, Новомосковская кўчаси, 32.

Чегараси: Новомосковская кўчасидан Содиқов кўчаси бўйлаб (тоқ томон) темир йўл изигача, темир йўл ёқалаб Магнитогорская кўчасигача, Магнитогорская кўчасининг ҳаммаси район чегараси бўйлаб Мусоргский кўчасигача, Мусоргский кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Куйбишев майдони орқали Содиқов кўчасигача.

111-сайлов округи. Маркази: маданият уйи, Чинобод кўчаси, 33.

(ДАВОМИ. Боши газетанинг 73-сонида).

Чегараси: Линейная кўчасидан (темир йўл изидан бошлаб) Генерал Петров кўчасигача (тоқ томон) Пушкин кўчаси билан туташган жойгача, Пушкин кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Салор каналигача, Салор канали бўйлаб юқорига нефть базасигача Тошкент шаҳар вокзали йўналишидаги темир йўл полотноси томон Генерал Петров кўчаси билан кесишган жойгача.

112-сайлов округи. Маркази: врачлар малакасини ошириш институти, Генерал Петров кўчаси, 51.

Чегараси: Луначарское шоссесидан Брюссельская кўчаси бўйлаб (ўнг томон) М. Горький проспектигача, М. Горький проспектидан кесиб ўтиб Морская кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Береговой кўчасигача, Береговой кўчаси бўйлаб Генерал Петров кўчасигача, Генерал Петров кўчаси бўйлаб (тоқ томон) темир йўлгача, темир йўл ёқалаб Линейная кўчаси бўйлаб Луначарское шоссесигача, Луначарское шоссеси бўйлаб (жуфт томон) Брюссельская кўчасигача.

113-сайлов округи. Маркази: 71-мактаб, Луначарское шоссеси, 48.

Чегараси: темир йўл изидан Луначарское шоссеси бўйлаб (тоқ томон) Комсомол 40 йиллиги кўчасигача, Комсомол 40 йиллиги кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Поленов переулогигача, Поленов переулоги бўйлаб Владимирская кўчасигача, Владимирская кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Бийск кўчасигача, Бийск кўчаси бўйлаб темир йўлгача, темир йўл бўйлаб Луначарское шоссесигача, Луначарское шоссесидаги 42, 42-«а» уйлар.

114-сайлов округи. Маркази: 148-мактаб, М. Горький проспекти, 5.

Чегараси: Луначарское шоссесидан Доғистон кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Морская кўчасигача, Морская кўчаси бўйлаб (тоқ томон) М. Горький проспектигача, М. Горький проспекти орқали Брюссельская кўчасигача, Брюссельская кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Луначарское шоссесигача (жуфт томон) Доғистон кўчасигача.

115-сайлов округи. Маркази: Политехника институти филиали, Генерал Петров кўчаси, 127.

Чегараси: Генерал Петров кўчасидан Циолковский кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Ломоносов кўчасигача, Ломоносов кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Владивосток кўчасигача, Владивосток кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Никитин кўчасигача, Никитин кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Латвия кўчасигача, Латвия кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Орол кўчасигача (жуфт томон) Карельская кўчасигача, Карельская кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Доғистон кўчасигача, Доғистон кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Морская кўчасигача, Морская кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Береговой кўчасигача, Береговой кўчаси бўйлаб тоқ томон) Генерал Петров кўчасигача, Генерал Петров кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Циолковский кўчасигача.

116-сайлов округи. Маркази: Олий партия мактаби, Луначарское шоссеси, 54.

Чегараси: Луначарское шоссесидан Доғистон кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Волжская кўчасигача, Волжская кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Никитин кўчасигача, Никитин кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Луначарское шоссесигача (жуфт томон), Луначарское шоссеси бўйлаб (жуфт томон) Доғистон кўчасигача.

117-сайлов округи. Маркази: Олий партия мактаби, Луначарское шоссеси, 54.

Чегараси: Доғистон кўчасидан Волжская кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Никитин кўчасигача, Никитин кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Латвия кўчасигача (жуфт томон) Орол кўчасигача, Орол кўчаси бўйлаб Карельская кўчасигача, Карельская кўчаси бўйлаб Доғистон кўчасигача, Доғистон кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Волжская кўчасигача.

118-сайлов округи. Маркази: «Саёҳат» меҳмонхонаси, Луначарское шоссеси, 115.

Чегараси: Луначарское шоссесидан Никитин кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Бессарабская кўчасигача, Бессарабская кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Орол кўчасигача, Орол кўчаси бўйлаб (чап томон) Латвия кўчасигача, Латвия кўчаси бўйлаб Владивосток кўчасигача, Владивосток кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Севастополь кўчасигача, Севастополь кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Луначарское шоссесигача, Луначарское шоссеси бўйлаб (жуфт томон) Никитин кўчаси ва Горная кўчасигача (тоқ томон).

119-сайлов округи. Маркази: «Малика» бирлашмаси филиали, Париж Коммунаси кўчаси, 136.

Чегараси: Қорасув каналидан Нижегород кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Владивосток кўчасигача, Владивосток кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Ломоносов кўчасигача, Ломоносов кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Циолковский кўчасигача, Циолковский кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Олтитепа кўчасигача, Олтитепа кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Париж Коммунаси кўчасигача, Париж Коммунаси кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Ломоносов кўчасигача, Ломоносов кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Нижегород кўчасидан юқорига Қорасув каналигача.

120-сайлов округи. Маркази: 222-мактаб, Иркутск кўчаси, 15.

Чегараси: Семашко, Риштон кўчалари проездлари билан, Иркутская кўчаси, Аэродром, Гёте, Қува кўчалари переулоглари билан қўшган ҳолда.

121-сайлов округи. Маркази: 112-мактаб, Ангрен кўчаси, 54.

Чегараси: Қорасув каналидан Нижегород кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Владивосток кўчасигача, Владивосток кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Национальная кўчасигача, Национальная кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Қорасув ариғигача, Қорасув канали бўйлаб Нижегород кўчасигача.

122-сайлов округи. Маркази: 112-мактаб, Ангрен кўчаси, 54.

Чегараси: Қорасув каналидан Национальная кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Владивосток кўчасигача, Владивосток кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Сирдарё кўчасигача, Сирдарё кўчаси бўйлаб Қорасув каналигача, Қорасув канали бўйлаб Национальная кўчасигача.

123-сайлов округи. Маркази: 130-мактаб, Прогрессивная кўчаси, 6.

Чегараси: Генерал Петров кўчасидан Циолковский кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Олтитепа кўчасигача, Олтитепа кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Париж Коммунаси кўчасигача, Париж Коммунаси кўчаси бўйлаб (жуфт томон) Ломоносов кўчасигача, Ломоносов кўчаси бўйлаб Салор каналигача, Салор канали ёқалаб пастга район чегарасигача, район чегараси бўйлаб Генерал Петров кўчасигача, Генерал Петров кўчаси бўйлаб (тоқ томон) Циолковский кўчасигача.

124-сайлов округи. Маркази: «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чердановский проезди, 92.

